



Грознийнинг янги йил хужуми биринчи чечен урушидаги энг фожиали воқеалардан бири бўлди. 1994 йил 31 декабрда Россия федерал кўшинлари ўзини мустақил деб эълон қилган Чечен Республикаси Ичкерия пойтахтига катта хужум бошлади. Шаҳар учун жанглар 1995 йил март ойигача давом этди ва ҳар икки томон катта йўқотишларга учради.

Грознийнинг янги йил хужуми биринчи чечен урушидаги энг фожиали воқеалардан бири бўлди. 1994 йил 31 декабрда Россия федерал кўшинлари ўзини мустақил деб эълон қилган Чечен Республикаси Ичкерия пойтахтига катта хужум бошлади. Шаҳар учун жанглар 1995 йил март ойигача давом этди ва ҳар икки томон катта йўқотишларга учради.

Воқеалар олдидаги вазият

1994 йил 26 ноябрда Россия тарафдорлари бўлган муҳолифат Грознийни босиб олишга қилган уринишдан натижа чиқармаганидан сўнг, Россия ҳукумати "конституцион тартибни тиклаш" мақсадида федерал кўшинларни киритишга қарор қилди. 1994 йил 11 декабрда Россия президенти Борис Ельцин бундай операцияни бошлашга рухсат берувчи фармонни имзолади.

Хужумга тайёргарлик

Декабрнинг ўрталарида Грознийга катта миқёсдаги ҳаво хужумлари бошланди.

Бомбардимонлар асосан яшаш уйлари жойлашган кварталларга йўналтирилган бўлиб, бу ахолининг кўп сонли қурбон бўлишига сабаб бўлди. Хатто хужумлар тўхтатилгани хақида расмий баёнот килинганидан сўнг ҳам, хаво зарбалари давом эттирилди. Федерал кўшинлар шаҳарни шимол ва ғарб томонлардан ўраб олди.

Хужум жараёни

Штурм бошланган вақтда чечен кучлари генерали Жохар Дудаев кўмондонлигида тахминан 10 минг жангаридан иборат бўлиб, уларда 25 та танк, 30 та пиёда жанговар машиналари ва бир неча артиллерия қуроллари бор эди. Улар шаҳарни охиригача химоя қилишга тайёр эдилар.

Бу хужум нафакат ҳарбий карама-қаршилик, балки тинч аҳоли учун ҳам катта фожиаларга олиб келди. Хужум натижасида турли баҳоларга кўра, шаҳарда 5 мингдан 25 минггача мусулмон аҳоли ҳалок бўлган.

Грозний хужуми (1994–1995)

1994 йил 26 декабрда Россия Федерациясининг Хавфсизлик кенгаши мажлисида Грознийга кўшин киритиш хақида қарор қабул қилинди. Учрашувда вазият хақида Павел Грачёв ва Сергей Степашин маълумот берган. Бу вақтгача Чеченистон пойтахтини босиб олиш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилмаган эди.

Шу билан бирга, Россия ҳукумати ва президент жанговар операцияни режалаштираётган вақтда, Давлат Думаси депутатлари сиёсий йўл билан муаммони ҳал этиш чораларини муҳокама қиларди. 1994 йил 23 декабрда Дума зудлик билан барча жанговар ҳаракатларни тўхтатиш мораторийини қабул қилди.

Янги йил хужуми

1994 йил 31 декабрда Россия армияси Грознийни штурм қилишни бошлади. Режа бўйича кўшинларнинг тўрт гуруҳи «марказий хужум»ни амалга ошириб, шаҳар марказида бирлашиши керак эди. Хужумда 15 300 аскар, 195 та танк, 500 дан ортиқ БМП ва 200 га яқин артиллерия қуроллари иштирок этди.

Дудаев тарафдорлари 11–15 минглик аскар ва тахминан 30–40 минг жангчидан иборат бўлиб, уларнинг 5 мингтаси чет эллик ёлланма аскарлардан ташкил топганди.

Россия кўшинлари шаҳарга кириши биланёқ катта йўқотишларга учради.

131-мототўпчилик бригадаси ва 81-полк деярли тўлиқ қириб ташланди. Шимол-шарқ томондан хужум қилган федерал кучлар катта қаршиликка дуч келди.

2 январь куни Россия ҳукумати марказий қисми тўлиқ муҳосара қилинганини ва «президент саройи» блокланганини эълон қилди.

Жанглар ва уларнинг оқибати

Янги йил хужумидан кейин Россия кўшинлари тактикасини ўзгартириб, десант-хужум гуруҳларини артиллерия ва авиация қўллаб-қувватлови билан ишга туширди. Шаҳарнинг турли қисмларида шиддатли кўча жанглари бошланди. 19 январь куни федерал

кўшинлар «президент саройи»ни эгаллади.

Март ойига келиб Россия кўшинлари Грознийнинг барча қисмларини назоратга олди. Жанглар давомида федерал кўшинлар катта йўқотишларга учради. Генерал штаб маълумотларига кўра, 1994 йил 31 декабрдан 1995 йил 1 январигача 1426 киши ҳалок бўлган, 4630 киши яраланган.

Чечен қучларида эса 6900 жангчи шаҳид бўлган, кўплаб техника ва қуроллардан айрилди. Тинч аҳоли ўртасидаги йўқотишлар турли манбаларга кўра, 5 мингдан 25 минггача бўлган.

Россия жуда кўп мусулмонларнинг қонини тўкиб, мусулмонлар диёрини босиб олди.

Абу Муслим